



КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИГА ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР

Суюнова Дилфуза Дилмурод қизи
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
ORCID: 0000-0003-0309-244X
suyunova.d505@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада хорижий ривожланган мамлакатларда ва мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини оширишда рақамли технолгиялардан фойдаланишдаги илмий қарашлар, бу борадиги жаҳон тажарибасини ўрганиш, мамлакатимизда корпоратив бошқарув ва унинг самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асослари, самарадорлик кўрсаткичларига илмий таърифлар ва уларнинг таҳлили, самарадорлик кўрсаткичларининг корпоратив бошқарувга таъсири, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари, корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш омилларини ҳамда корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини оширишда рақамли технолгияларнинг ролини ошириш масалалари таҳлил қилинган ва муаллифлик қарашлар ифода қилинган.

Калит сўзлар: корпоратив бошқарув, самарадорлик, рақамли иқтисодиёт, рақамли технолгиялар, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари, экология, ижимоий сиёсат, ОЭСР, фойда, рентабеллик, самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи ва бошқалар.

НАУЧНЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Суюнова Дилфуза Дилмурод қизи
Высшая школа бизнеса и предпринимательства

Аннотация. В данной статье представлены научные взгляды на использование цифровых технологий для повышения эффективности корпоративного управления в зарубежных развитых странах и акционерных обществах, действующих в нашей стране, исследование мирового опыта в этой области, правовые основы корпоративного управления, управление и повышение его эффективности в нашей стране, научные определения показателей эффективности и их анализ, влияние показателей эффективности на корпоративное управление, важные показатели эффективности, факторы оценки эффективности корпоративного управления, вопросы повышения роли цифровых технологий. анализируются технологии повышения эффективности корпоративного управления и выражается авторская точка зрения.

Ключевые слова: корпоративное управление, эффективность, цифровая экономика, цифровые технологии, ключевые показатели эффективности, экология, социальная политика, ОЭСР, прибыль, рентабельность, общий индекс эффективности и др.

SCIENTIFIC VIEWS ON THE USE OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE EFFICIENCY OF CORPORATE MANAGEMENT

Suyunova Dilfuza Dilmurod kizi

Higher School of Business and Entrepreneurship

Abstract. *In this article, there are scientific views on the use of digital technologies to improve the efficiency of corporate management in foreign developed countries and joint-stock companies operating in our country, the study of the world experience in this area, the legal basis of corporate management and increasing its efficiency in our country, scientific definitions of efficiency indicators and their analysis, the impact of efficiency indicators on corporate management, important indicators of efficiency, factors for evaluating the efficiency of corporate management, and issues of increasing the role of digital technologies in increasing the efficiency of corporate management are analyzed and the author's views are expressed.*

Keywords: *corporate governance, efficiency, digital economy, digital technologies, key performance indicators, ecology, social policy, OESR, profit, profitability, total efficiency index, etc.*

Кириш.

Бугунги кунда дунё амалиётида акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарувга ишонч, ошқоралик ва ҳисобдорлик, ҳаққонийлик ва жавобгарлик мезонлари, рақамли технологиялардан самрали фойдаланиш, инвестицион муҳитни яхшилаш, экология, сиёсий ва корпоратив бошқарувнинг (ECG) тамойилларига риоя қилиш, молиявий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки акциядорлик жамиятларини бошқаришда ва жамият фаолиятига хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилишда жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотларнинг очиқлик даражаси ва унда рақамли технологияларнинг ролини ошириш замонавий корпоратив бошқарув стандартлари ва тамойилларнинг асосий хусусиятларидан бири сифатида кўрилмоқда. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш ташкилоти (OECD) маълумотида кўра, ташкилотга аъзо давлатларда акциядорларга ахборотларни етказиш муддати ўртача 15-21 кунни ташкил этса, аъзо давлатларнинг 5 фоизида, яъни Япония, Жанубий Корея, Янги Зеландия ва Исландияда 15 кундан кам, Канада, Италия, АҚШ, Венгрия, Голландия ва Чехияда 30 кунни, Хитой Халқ Республикасининг Гонконг автоном ҳудудида эса акциядорларга ахборотларни етказиш муддати 20 иш кунини ташкил этади. Ўзбекистонда эса 2021 йилнинг 21 мартдан бошлаб, "Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилиши белгиланган (Қонун, 2019)".

Тажрибалар таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири иқтисодий тармоқларини, шунингдек акциядорлик жамиятларининг фаолиятини жадал ва шаффоф ривожлантириш ва унинг экологик ва ижтимоий барқарорликка ҳамда корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини оширишга асосларидан бири рақамли технологиялардан фойдаланиш бўлиб ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда унинг ҳуқуқий базаси яратилгандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-163-сонли қарорида, 2024 йил 1 июлдан бошлаб, давлат иштирокидаги йирик корхоналарда:

корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, жумладан бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун кузатув кенгашига бўйсунадиган корпоратив котибият ташкил этилиши;

корпоратив бошқарувнинг янгиланган қоидалари ва ахлоқ кодекси жорий этилиши;

кузатув кенгашининг баённомаларини масофадан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон овоз бериш бюллетенлари орқали расмийлаштириш имконияти яратилиши (Қарор, 2024) белгиланган.

Бундай вазибаларнинг белгиланиши рақамли иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатимиз учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиёт тармоқларида, шунингдек акциядорлик жамиятлари фаолияти ва уни бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш бир қатор таркибий ўзгаришларга ва жамият фаолиятининг ривожланиши ва уни рағбатлантириши, компаниялар даромадларини ошириш, бошқарув жараёнларининг ижобий натижадорлигини ва самарадорлигини таъминлаш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш таннархни пасайтириш, жамиятларнинг бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш, уларнинг мавқеини кенгайтириш ва янги инновацион хизматлар ва маҳсулотлар яратиш, мамлакатмизда бизнес муҳитни яхшилашга ҳамда корпоратив бошқарув самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Корпоратив ва стратегик бошқарув, хусусан компаниялар фаолияти самарадорлигини бошқаришнинг назарий ва методологик асослари масалалари хорижлик олимлар Друкер (2012), Меттел (2012), Трикер (2020), Роберт (2016) ва бошқалар томонидан ўрганилган.

МДХ ва мамлакатимиз олимларидан Бакирова (2008), Голубков (2019), Гапоненко (2019), Грант (2011) ва Ходиев, Суюнов (2021), Хамудилин, Кенжабаев (2023) ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Шу билан бирга, корпоратив корхоналарини бошқариш жараёнида улар фаолияти самарадорлигини бошқаришнинг замонавий усулларини қўллаш масаласи яъни бошқарувнинг самарадорлигини таъминлашда рақамли технологиялардан фойдаланиш масалалари бугунги кун жаҳондаги замонавий стандартлари ва тамойиллари талаблари даражасида етарлича ўрганилмаган. Ушбу ҳолат мазкур йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади ва ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада кузатув, абстракт-мантиқий фикрлаш, тизимли таҳлил, таққослаш ва иқтисодий шарҳлаш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда назарий қарашлар ва амалиётда корпоратив бошқарувнинг «самарадорлик» тушунчаси энг муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Самарадорлик сўзи лотинча *effectivus* сўзидан олинган бўлиб, - маълум самарага, керакли натижага эришишдан келиб чиққан деган маънони беради. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш акциядорлик жамиятлари (кейинги ўринларда - жамият), давлат корхоналари ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари учун ҳам амалга оширилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш, инвестиция, капитал қўйилмалар, жараёнлар ва корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш зарур ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларининг самарали ишлаши учун бизнеснинг барча иштирокчилари: мулкдорлар (акциядорлар), Кузатув кенгаши аъзолари, менежерлар ва

оддий жамият ходимларининг манфаатларини мувозанатлаш зарурияти туғилади. Уларнинг барчаси жамиятнинг самарали фаолият юритишидан манфаатдор бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири «самарадорлик» тушунчасига мутлақо бошқача маъно қўяди. Мулкдорлар яъни акциядорлар учун самарадорлик энг аввало жамиятнинг барча ресурсларидан, шунингдек молиявий натижаларни (фойда, рентабеллик) ошириш, жамият ва унинг бозор қийматини узоқ муддатларда доимий ўсиб боришини таъминлаш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдалиниш, ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва бу жараёнларни бошқаришда рақамли технолгиялардан кенгроқ фойдаланишни тақазо қилади. Бунда менежерлар қисқа муддатда иш фаолиятини яхшилашга интиладилар, кўпинча ишлашга боғлиқ ҳақ олишни, оддий жамият ходимлари эса муносиб иш ҳақи ва изчил яхши меҳнат шароитларидан манфаатдор бўлишлиги талаб қилинади. Буларнинг барчаси иқтисодий муносабатлардаги барча иштирокчиларнинг истисносиз хатти-ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда самарадорлик тушунчасига кўп қиррали ёндашиш зарурлигини кўрсатади.

Замонавий иқтисодиётга оид фанларда «самарадорлик» тушунчасининг ягона аниқ таърифи учрамайди. Бугунги кунда турли мамлакатлар иқтисодчи олимлари ва амалиётчилари ушбу атама таърифининг кўплаб талқинларини таклиф қилмоқдалар. Корольков ва Брагинлар (2001) фикрича, «самарадорлик» иқтисодий категориялардан бири саналиб, унинг моҳиятини ўрганишда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар. Умуман олганда, иқтисодий самарадорлик билан натижавий таъсирни ўлчайдиган нисбий кўрсаткич бўлиб самарага эришиш учун фойдаланиладиган харажатлар ёки ресурслар саналади.

Самарадорлик назарияси соҳасидаги классиклардан бири Парментер (2009) ушбу атамани қуйидагича аниқлайди: «самарадорлик (ва ижтимоий) иқтисодий ёки ижтимоий самаранинг унга эришиши учун зарур бўлган харажатларга нисбатидир».

Замонавий иқтисодий луғатда самарадорликнинг қуйидаги таърифи келтирилади: «самарадорлик - бу нисбий таъсир, жараённинг натижадорлиги, операция, лойиҳанинг нисбий самараси бўлиб, самара, натижанинг унга эришишга, олишга сарафланган харажатларга нисбати каби аниқланади (Райзберг, Лозовский и др., 1998)».

Иқтисодчи олимлардан Виварес, Дистергефт (2000) унга қуйидагича таъриф берган: «ҳар қандай инсон томонидан амалга ошириладиган жараённинг самарадорлигини баҳолаш муаммоси ва биринчи навбатда, ишлаб чиқариш жараёнини, энг ўткир ва долзарб иқтисодий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Унинг айрим жиҳатлари ҳали ҳам иқтисодий фанларда «оқ доғлар» бўлиб қолмоқда. Бу муаммонинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари ҳақида илмий мунозаралар кўп ўн йиллардан буён давом этиб келмоқда. Улар бугун ҳам тўхтамайди». Бундан келиб чиқади: «Энг умумий маънода ҳар қандай жараённинг самарадорлиги, ҳар қандай фаолият тури ютуқ даражасини тавсифлайди».

Бошқа иқтисодчи олимлардан бири иқтисодий самарадорлик - иқтисодий фаолият, иқтисодий дастур ва чора-тадбирлар самарадорлиги бўлиб, иқтисодий самара, натижанинг ушбу натижани олишга сабаб бўлган омиллар, ресурсларга нисбати ҳамда маълум қийматдаги ресурслар ёрдамида ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажмига эришиш каби таснифланади (Фостер, Каплан, 2015) - деган фикрларни байён қилди.

Кўпгина хорижий иқтисодчилар «харажат-ишлаб чиқариш» муаммоси асосида «иқтисодий самарадорлик» тушунчасини кўриб чиқадилар. Инглиз иқтисодчиси Пол Хейннинг фикрича, самарадорлик ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар миқдори билан ҳар қандай талаб қилинадиган маҳсулот миқдори ўртасидаги муносабатларни тавсифлайди (Устюжанина, Сигарев и др., 2017). Бухт, ва Хиксларнинг (2018) фикрича: «Иқтисодий самарадорлик - самарали талабнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ресурс тежовчи технологиялар ёрдамида маҳсулотнинг максимал мумкин бўлган қийматини ишлаб чиқариш». Маркхерио (1999) томонидан «Экономикс»

китобида унга қуйидаги таъриф келтирилган: «Иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган ва қандайдир маҳсулот натижасида олинадиган нодир ресурслар бирликлари сони ўртасидаги муносабатни ифодалайди».

Лане (1999) самарадорликни талқин қилишда ишлаб чиқариш самарадорлигини имкониятлар чизиғи билан боғлаган. У агар ишлаб чиқариш вариантлари ушбу имкониятлар чегарасида бўлса, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарасиз фойдаланилмоқда, деган хулоса чиқаради. Буни жамиятда неъматлар, ҳаттоки, биттага кўп бўлса ҳам бу бошқа неъматларни камайтириш асосида амалга ошади, аксинча, ишлаб чиқариш нуқтаси имкониятлар чизиғи ташқарисида бўлса, буни ишлаб чиқаришнинг эришиб бўлмайдиган даражаси, дейишади.

Самарадорлик масалаларига Ўзбекистонлик олимлар ҳам ўз муносабатларини билдиришган. Хусусан, Абдукаримов, Пардаев (2019) каби олимларнинг фикрича, «самарадорлик – бу содир бўлаётган бирор иқтисодий жараённинг қандай натижа билан яқунланганлигини ифодалайдиган тушунча. «Самара» ва «самарадор» тушунчалари мутлақ кўрсаткич бўлса, «самарадорлик» нисбий кўрсаткичдир», деб изоҳлашган.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижасида самарадорлик кўрсаткичи иқтисодий фаолиятнинг кўрсаткичларидан бири сифатида тушунчанинг ўзи ноаниқлиги туфайли камдан-кам ҳолларда назарий жиҳатдан кўриб чиқилади, деган хулосага олиб келади. Иқтисодчиларнинг самарадорлик тушунчасини талқин қилишидаги ноаниқлик кўриб чиқиладиган категория моҳияти бўйича бир тўхтамнинг йўқлиги билан боғлиқ. Ҳозирги кунда «самарадорлик» тушунчасининг аниқ, умумий қабул қилинган талқини йўқлигига эътибор қаратилади.

Ушбу тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики самарадорлик кўрсаткичининг мазмун моҳиятига кўпроқ эътибор берилган. Аммо акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигига эътиб деарли берилмаган. Лекин биз ўрганаётган объектда айнан корпоратив бошқарувнинг самарадорлини оширишда рақамли техногиялардан фойдаланиш масаласига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки олимлар томонидан бу масалани ўрганишга қизиқиш жуда катта эканлигини кўриш мумкин.


Мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигига катта эътибор берилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 апрелдаги 101-сонли Фармонидаги қўйилган вазифаларга эътибор берилиши керак бўлади. Бунда айнан корпоратив бошқарувни амалга оширувчи бошқарув органи яъни кузатув кенгаши фаолиятини баҳолашда, яъни давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган акциядорлик жамиятларида 2022 йил 1 майдан бошлаб кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилиши ва кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича сайланган аъзолар фаолияти корхонада трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташқи қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағларни жалб этиш каби мезонлар асосида баҳолалиши (Фармон, 2022) белгиланган. Бу албатта жамият фаолиятини бошқаришда корпоратив бошқарув тизимининг қандай ишлаётганлигини, Кузатув кенгаши аъзоларининг меҳнатини баҳолаш ва шунга яраша меҳнатни раҳбатлантириш масалаларни ўз ичига олади.

Шу нуқтайи-назардан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятларида бугунги кунда бошқарув органининг фаолиятини баҳолаш самарадорликнинг асосий кўрсаткичларидан фойдаланиб келинмоқда. Бу усул Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги (Қарор, 2015) ВМҚ-207-сон 755-сонли қарори (Қарор, 2020) билан киритилган ўзгаришлар бўйича аниқланиши белгиланган. Ушбу

қарорларда ижройи органи фаолиятини баҳолашда Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (кейинги ўринларда СМК деб аталади).

Бу кўрсаткичлар: 13 та асосий 1-расм. Соф тушум прогноз кўрсаткичининг, соф фойда (зарар) прогноз кўрсаткичининг бажарилиши, активлар рентабеллиги, маҳсулот таннархини камайтириш, ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти, молиявий барқарорлик коэффиценти, дивидент ҳисобланиши, экспорт параметрларининг бажарилиши, маҳаллийлаштириш кўрсаткичларининг бажарилиши, инвестиция кўрсаткичларининг бажарилиши, чет эл валютасидан мустақиллик коэффиценти ва акциядор инвестициясининг рентабеллиги) ва қўшича кўрсаткичлар 18 тани ташкил қилади. Солиқлар ва бошқа фоиз тўловлари амалга оширилгунга қадар олинган фойда, харажатлар ва дароматлар нисбати, жалб қилинган капиаталлар рентабеллиги, меҳнат унмдорлиги абсолют ликвидлик коэффиценти, ходимлар қўнимсизлиги коэффиценти ва бошқ. (2-расм).


Бунда бошқарув органларидан фақат ижро органи фаолиятини баҳолашга қаратилгандир. Ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги қуйидагича эътироф этилади Асосий СМК бўйича ҳисобланган миқдор ташкилотнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (кейинги ўринларда - СЙК) сифатида ифодаланади: СЙК миқдори 40 фоиздан кам бўлса - қониқарсиз; СЙК миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса - паст даражада; СЙК миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса - етарли даражада эмас; СЙК миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса - ўртача даражада; СЙК миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса - етарли даражада; СЙК миқдори 100 фоиздан ошса - юқори даражада. ва деган ҳужжатда алоҳида ҳолда натижадорлик категорияси «... режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш ва режалаштирилган натижаларга эришиш даражаси» (Қарор, 2020), - сифатида каралган.



1-расм. Давлат улши юқори бўлган ақциядорлик жамиятларининг ижройи органи фаолиятини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари

Шундай қилиб, меъёрий ҳужжатлар даражасида самарадорлик ва натижадорлик категорияларининг бир-биридан фарқланиши амалга оширилган.

Назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларига кўра корпоратив бошқарув самарадорлигини белгиловчи асосий омиллар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин (3-расм): Ушбу омиллар тизими корпоратив бошқарув ва бизнес субъектларнинг самарадорлигини оширишга таъсир этишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Муваффақиятли бизнес ва самарали бошқарувнинг айрим жиҳатларини фарқлаш муҳимдир. Шу ўринда муваффақиятли бизнес бу, аввало, наф келтирувчи фаолият бўлиб, ишлаб чиқариш, иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда самарали бошқарув рақамли технологиялар билан тавсифланади. Самарали корпоратив бошқарув эса, ўз навбатида, муваффақиятга эришиш учун жамиятнинг сифатли бошқарувини назарда тутати. Бошқарув сифати, самарадорлиги ва бизнеснинг муваффақиятини умумлаштирувчи кўрсаткич бизнеснинг қийматини ташкил қилади.



2-расм. Давлат улши юқори бўлган ақциядорлик жамиятларининг бошқарув органи фаолиятини баҳолашнинг қўшимча кўрсаткичлари

Фикримизча, корпоратив бошқарув самарадорлиги бизнеснинг қиймати билан ўлчаниши мақсадга мувофиқдир, чунки айнан шу кўрсаткич самарадорликни баҳолаш имкониятини бериш билан бирга, корпоратив тузилмалардаги корпоратив бошқарув натижасини солиштиришда асос бўла олади. Корпоратив бошқарувда самарадорликни таъминловчи кўрсаткичларга тўхталадиган бўлсак, корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолашнинг умумлаштирилган ҳолдаги асосий кўрсаткичларини қуйидаги уч гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Компанияда копроратив бошқарувнинг тамойилларига амал қилиш даражасини харктерлайдиган кўрсаткичлар. Бу кўрсаткичларга: акциядорлар, инвесторлар ва компания фаолиятидан манфаатдор бўлган бошқа субъектларнинг (стейкхолдерлар) ҳуқуқ ва манфаатларининг химоя қилинганлик даражаси; бошқарув жараёнларида компания фаолиятидан манфаатдор бўлган барча субъектларнинг қатнашиши ва ахборотларнинг очиқлиги даражаси; компания фаолиятини бошқаришдаги ходимларининг қатнашиш даражаси; бухгалтерия ҳисоботларининг шаклланиши ва аудит текширувларининг сифат даражаси ва копроратив бошқарувнинг ташкил этилганлик даражаси каби кўрсаткичларни мисол қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.



3-расм. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш омиллари

2. Компания фаолият натижаларини харктерловчи молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари. Бу кўрсаткичларга: компания томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ёки кўрсатилган хизматлар сотуви хажми ва динамикаси, солиқ ва солиққа тортишгача бўлган фойда хажми ва динамикаси, устав капиталнинг динамикаси, акциядорлик капиталнинг рентабельлик даражасининг ўсиши, бошқарув аппарати ходимларининг меҳнат унумдорлиги, компания акцияларининг дивидент даромадлиги, компания бозор қийматининг даражаси ва унинг динамикаси.

3. Корпоратив бошқарувнинг риск даражасини харктерловчи кўрсаткичлар. Бу кўрсаткичларга: бошқарув қарорларини қабул қилишдаги риск даражаси, акциядорларнинг компания устав фондидаги хиссаси, трансферт баҳолаштиришни жорий қилшнинг асосланганлик даражаси, компаниянинг банкротлик бўлишлигининг этиمولлик даражаси, компаниянинг структураси ўзгаришидан келиб чиқадиган рисклар, директорлар кенгашида миноритар акциядорлар вакилининг йўқлигидан кутиладиган рисклар, компанияда давлатнинг акциядор сифатида қатнашиш билан боғлиқ рисклари ва бошқа кўрсаткичлар бўлишлиги мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, Мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигига катта эътибор берилмоқда. Келтирилган ёндашувларни умумлаштириш ва баён қилинган таҳлиллардан келиб чиқиб, фикримизча иқтисодий самарадорлик деганда маълум бир бирликда маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишнинг натижаси компаниянинг мақсадларига мос келадиган юқори молиявий кўрсаткичларга эришиш учун қилинган барча харажатларга нисбати билан аниқланган кўрсаткичи муҳим ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисоблаш усуллари аниқлашда бир қатор ўзига хос тамойилларни илгари суриш бўйича қуйидаги таклифлар тавсия қиланади;

-корпоратив корхоналарда бошқарув самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни қўллаш нисбатан эркин тавсиф касб этиши лозим, бунда ушбу кўрсаткичларни ҳар бир хусусий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда танлаб олиниши мантиқан тўғри ҳисобланади ва бу танловда рақамли технологиялардан фойдаланиш тавсия қиланади;

-кўрсаткичларни мутлақ ёки нисбий кўринишда ифодалаш мумкин бўлиб, бу ҳолат мазкур жараёнларни баҳолаш имкониятларини кенгайтиради;

-кўрсаткичларнинг ҳар бир хусусий ҳолда мустақил мазмун касб этиши уларни миқдор жиҳатидан умумлаштирган ҳолда яхлит хулоса чиқариш имкониятларини чеклайди ва ҳ.к.

Шундай қилиб, самарадорлик муҳим иқтисодий категориялардан бири саналиб, акциядорлик жамиятларининг фаолиятини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш учун уни бошқариш механизмлари ҳамда рақамли технологиялардан жадал фойдаланишни такомиллаштириш янада кенгайтириш бугунги кунда муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Bob Tricker. (2020) *Corporate Governance. Principles, Policies and Practices*. Oxford University Press. -1564 p.

Lane N. (1999) *Advancing the digital economy into the 21st century // Information Systems Frontiers*. Vol. 1, No. 3. P. 317-320.

Margherio L. (1999) *The Emerging Digital Economy*. Washington, DC: Department of Commerce.

Robert A. G. (2016) *Monks, John Wiley. Corporate Governance*. - 1556 p.

Suyunov D.X., Alimov.B.B. (2023) *Green economy and ways of its development in Uzbekistan,genius repository*, 24, 7-15.

Suyunov D.X., Elmirezayev. S.E. (2021) *Korporativ boshqaruv*, 356 бет.

Suyunov D.X., Kaytarov. V. (2023) *Problems in the development of remote banking services in commercial banks of Uzbekistan. World economics and finance bulletin*, 26, 39-46.

Suyunov D.X.: Kenjabayev. A.T.: Ro'ziyev. A.O. (2023) *Elektron tijorat. Дарслик*.

Suyunov D.X.: Qodirov. T.U. (2023) *Ways for a leader to work on speech and improve speaking skills. American journal of pedagogical and educational research*, 11, 29-32.

Suyunov. D.X., Maxsudov. M. (2022) *The role of energy in the economic development of Uzbekistan, science and innovation*, 1, a4, 145-149, «Science and innovation»

Б.Абдукармиов, М.Пардаев. (2019) *Иқтисодиёт асослари. Иқтисодиёт нашри*. -321 бет.

Бакирова, Г. Х. (2008) *Психология эффективного стратегического управления персоналом / Г.Х. Бакирова*. - М.: Юнити-Дана,. - 592 с.

Бухт Р., Хикс Р. (2018) *Определение, концепция и измерение цифровой экономики // Вестник международных организаций*, Т. 13. № 2. С. 143-172.

Выварец А.Д., Дистергефт Л.В. (2000) *Эффективность производства: теория, методология и методика оценки - Экономическая эффективность: теория, методология, практика: Сборник научных статей. Екатеринбург: УГТУ*, - С. 3-23.

Гапоненко А.Л. (2019) *Менеджмент: учебник для прикладного бакалавриата / А. Л. Гапоненко [и др.]; под общей редакцией А. Л. Гапоненко*. — Москва : Издательство Юрайт, - 398 с. 89.

Голубков Е.П. (2019) *Стратегический менеджмент: учебник и практикум для академического бакалавриата / Е. П. Голубков*. — Москва : Издательство Юрайт, -290 с.

Грант Р. (2011) *Современный стратегический анализ / Р. Грант*. - 5-е изд. - Пер. с англ. под ред. В.Н. Фунтова. – СПб.: Питер, – 1028 с. 14.

Друкер, П.Ф. (2012) Менеджмент. Вызовы XXI века / П.Ф. Друкер. — М.: «Манн, Иванов и Фербер», - 256 с. 129.

Корольков В.Ф., Брагин В.В. (2001) Процесс управления организацией. – Ярославль, – 416 с.

Қарор (2024) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-163-сон қарори.

Қарор (2015) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги ВМҚ-207-сон қарори.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-775-сон қарори.

Қонун (2019) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-531 – сонли Қонуни.

Мэттел Брюс Кейтеринг (2012). Руководство по эффективному управлению бизнесом. Кулинарный институт Америки / Брюс Мэттел. –М.: ВВРГ, - 368 с.

Парментер Д. (2009) Ключевые показатели эффективности. Разработка, внедрение и применение решающих показателей. М: Олимп-Бизнес, – 256 с.

Райзберг Б. А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. (1998) Современный экономический словарь - 2 - е издание, исправ. - М, ИНФРА - М.

Суюнов Д., Элмирзаев С. (2021) Корпоратив бошқарув. “BROK CLASS SERVIS” МЧЖ босмахонасида чоп қилинган. Дарслик. -448 б.

Суюнов Д.Х. (2006) Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия. – 116 б.

Суюнов Д.Х., Ганиходжаев Б.Ф., Хусаинов Ш.А. (2017) Пособие по корпоративному управлению.: Ташкент–адабиёт учқунлари.

Суюнов Д.Х., Хусаинов Ш.А., Хошмиов Э.А. (2021) Корпоратив бошқарув: муаммолар ва замонавий ечимлар. Монография. BROK CLASS SERVIS” МЧЖ босмахонасида чоп қилинган. Монография. -207 б.

Устюжанина Е.В., Сигарев А.В., Шеин Р.А. (2017) Цифровая экономика как новая парадигма экономического развития // Экономический анализ теория и практика. Т. 16, № 12. С. 2238-2253.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармони.

Фостер Р., Каплан С. (2015) Созидательное разрушение: Почему компании, «построенные навечно», показывают не лучшие результаты и что надо сделать, чтобы поднять их эффективность / Пер. с англ. М.: Альпина Паблишер.